

Китоб топширишди

☒ Китоб улашиб жараёни оммавий тарзда китобхонлик маданиятини тарғиб этиш билан боғлиқ. Айни кунларда китобхонлик ва китобсеварлик тушунчалари маънавиятнинг маёғи сифатида барча таълим муассасалари ва меҳнат жамоаси корхоналарига чирой баҳш эти дейиш мумкин. Китоб топшириш ўзгаларга маърифат тарқатиш ниятидир. "Тиллар" кафедраси доценти Раҳимова Комила Нафасовна СХТЕБ факултети 1/7 - гурӯҳ, ЭРБ факултети 1/7 - гурӯҳ, ГИМ факултети 1/5 рус гурӯҳи талабалари билан институт АРМ га бадиий китоблар топширишди. Бу хайрли иш барчамизнинг маърифий мақсадимизга айланиши тафаккур тарзимизнинг, дунёқарашимизнинг янгилча шаклланаётганидан далолатдир.

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов